

Селлар гидрологияси фани, мазмунни, ривожланиш тарихи

Марузачи:

т.ф.н. Ф. Гаппаров

Адабиётлар рўйхати

- 1. Исмагилов Х.А. Селевые потоки, русловые процессы, противоселевые и противопаводковые мероприятия в Средней Азии – Ташкент.: САНИИРИ, 2006 - 264 с.
- 2. Расулов А.Р., Ҳикматов Ф.Ҳ. Умумий гидрология – Тошкент, “Университет”, 1995 – 175 бет.
- 3. Флейшман С.М. Сели-Л: Гидрометиздат. 1978 с.313
- **Интернет сайтлар:**
- www.hydrology.bsu.edu.az ;
- www.books.google.com;
- www.tiim.uz/en/view/37;
- www.ncwater.org.;

“Селлар гидрологияси” фанининг **асосий мақсади** - селомборлари ва куруқликдаги бошқа сув манбаларида келажакда ишлайдиган юқори малакали кадрларни шакллантириш.

- **Фаннинг вазифаси:**

- Сел оқимини бошқариш ва ундан самарали фойдаланишни;
- Ўрта Осиёни сел оқадиган дарёларида селнинг тарқалиш қонунларини ўрганишдаги аҳамиятини;
- Селлар гидрологиясини сув хўжалиги тармоқларининг ривожланишига бевосита таъсирини;
- Селлар гидрологиясидаги тадқиқот усулларини;
- Селнинг вужудга келиши бўйича худудий тақсимланишини;
- мавжуд сув ресурсларини ҳисобга олишни, баҳолашни шунингдек, шу мақсадда яратилган усуллардан фойдаланишни ўргатишдан иборат.

Марказий Осиёда селлар гидрологияси бўйича илк тадқиқотлар

- Ўлка олимлари М.А. Великанов, Ю.В. Виноградов, Х.А. Исмагилов ва бошқаларнинг селларга доир тадқиқотлари:
- М.А. Великанов олиб борган тадқиқотларда селлар оқимининг тиркибий классификацияси илмий асосланган.
- Ю.В. Виноградов томонидан олиб борилган тадқиқотларда М.А. Великановнинг илмий ишларига аниқлаштириш киритилган ва сел оқими таркибининг чегеравий ҳолатлари келтирилган.
- Х.А. Исмагилов олиб борган тадқиқотларда эса сел оқимлари, ўзан жараёнлари ва сел оқимиغا қарши чора-тадбирлар келтирилган.



- Сел-лойқа ва йирик породаларни сув аралашмасидан ташкил топган оқим.

- Ўрта Осиё шароитида сел оқими тоғ дараларида, сойларда жадаллашган ёғин натижасида шаклланади.


- Сел оқимининг асосий кўрсаткичи тасодифий ва қисқа муддатли жадаллашган оқим билан характерланади

Селлар гидрологиясини ўрганилганлик даражаси

- Марказий Осиёда шу жумладан, Ўзбекистонда сел ҳодисалари тўғрисидаги маълумотлар XIX аср охирларида пайдо бўлган (П. Аверьянов).
- 1901 йили С.Ю. Раунернинг сел ҳодисаларини олдини олиш ва улар билан курашиш номли рисоласи эълон қилинган.
- 1932 йили селларни ўрганиш бўйича экспедиция ташкил этилган, Шоҳимардон, Омонқутон Чатқол тажриба станциялари ўз иши бошлаган.
- 1950 йили Фанлар академияси томонидан сел оқимларини моделлаштириш мақсадида Фарғонанинг тоғ олди дарёларида ўзанларни бошқариш лабораторияси иш бошлади.

- Хозирги кунда Ўзбекистон гидрометеорология илмий-тадқиқот институти бу соҳада илмий ишлар олиб бормоқда. Ушбу изланишларда замонавий усуллар ва замонавий ускуналардан фойдаланилмоқда.
- Кўп йиллик кузатув ва таҳлиллар республикамызда кузатилган селларнинг 40 % и Фарғона водийсига тўғри келишини кўрсатмоқда.
- Селлар асосан март – август ойларыда ўтишига қарамай, энг фаол ойлар апрел ва май ҳисобланади. Ушбу ойларда жами селларнинг 30 – 36 % и кузатилади.

Дарё гидрографлари




Селнинг ҳосил бўлишини келтириб чиқарувчи ҳодисалар

- Жала ёмғирлари;
- Юқори жадалликда ёғаётган ёмғирлар;
- Узоқ муддат давом этадиган ёмғирлар;
- Қор, музликлар ва тоғ қорларининг эришлари ;
- Кўллар тўфонларининг ювилиши натижаларини кўрсатиш мумкин.



2010 йил 12 март куни Қозоқистон Республикаси Алмата вилояти Аксус туманидаги. Натижасида 3 мингга яқин аҳоли яшайдиган қишлоқни 257 та турар жойларини сув босди ва натижада 100 киши ҳаётдан кўз юмди.






2010 йил 8 август куни Польша давлатидаги




2010 йил 11 ноябр куни Швеция давлатидаги Осбу шахрида

Селларни такрорланиш мониторинги




Қумдарё, Турнабулоксой,
Лангарсой, дарёларида
сел-тошқинларни
такрорланиши

Ғовасой дарёсида сел-
тошқинларни
такрорланиши



Қашқадарё хавзасида сел давридаги максимал сув сарфи ўзгариши



Селлар гидрологияси фанни ўрганишнинг аҳамияти

- Гидрология фанининг таркибий қисми бўлган селлар гидрологияси сув манбалари ва табиатдаги сувларнинг тарқалиш қонунларини ўрганишдаги аҳамияти.
- Сув хўжалиги тармоқларининг ривожланишига бевосита таъсири.
- Мавжуд сув манбаларининг энергетика, суғориш, сув таъминоти, сув транспорти ва бошқаларда фойдаланишга қаратилган тадбирлар амалга оширилишида.
- Қуйи ҳудудларни селдан ҳимоялашда.